Б 51193

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 4 ноябрь пайшанба № 206—207 (21.558). Сотувда эркин нархда.

## Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, илмий-техник ходимлари, барча мутахассислар ва хизматчиларига

Азиз дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин дилдан, самимий табриклайман.

Ўтган давр мобайнида республикамизда илм-фаннинг ривожланишида, истеъдодли миллий олимларни тайёрлашда, илмий тадқиқот ишлари савиясини жаҳон талаблари даражасига кўтаришда арзигулик ишлар қилинди. Математика, электроника, қуёш энергиясидан фойдаланиш, ўсимликлар биокимёси, тарих ва иқтисод каби соҳаларда ўзбек олимлари қилган қатор кашфиётлар жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилгани бизда яратилган фан тизимининг ниҳоятда катта имкониятларга эга эканини намойиш этди.

Қадимдан жаҳонга машҳур олиму фузалоларни етказиб берган она юртимиз Ўзбекистонда мустақилликка эришилган бугунги саодатли кунларда илму фанни тараққий эттириш, уни янги миллий мазмун билан бойитиш, жаҳоннинг энг илғор илмий марказлари билан халқаро алоқаларни яна ҳам ривожлантириш борасида дадил одимлар ташланмоқда. Давр ўзбек миллий фанининг жаҳон маърифий тараққиётига дахлдорлигини, фундаментал фан равнақини, назария билан амалиёт бирлигини таъминлашни, ҳар бир ишланма ва ихтирочилик тез фурсатда ишлаб чиқаришга жорий этилишини вазифа қилиб қўймоқда.

Ишончим комилки, Фанлар академияси бу эзгу ният йўлида ташаббускорликни, ташкилотчиликни қўлдан бермайди, юрт ва миллат тақдири, обрўйи ва ёрқин келажаги учун бор имкониятларни фидойилик билан ишга солади.

Сизларга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик ва омонлик тилайман, илмий изланиш йўлидаги заҳматли, аммо шарафли ишларингизда улкан омадлар ҳамиша ёр бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика фани ва маданиятини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати, юксак малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизмати, жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун ва республика Фанлар академияси ташкил қилинганининг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга Ўзбекистон республикасининг Фахрий унвонлари берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»**

**Аҳмедов** Ғулом Аҳмедович — фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими

**Орипов** Эргаш Орипович — кимё институтининг лаборатория мудири

**Ҳабибуллаев** Пўлат Қирғизбоевич — иссиқлик физикаси бўлимининг раҳбари

**Юнусов** Муҳаммаджон Собирович — ядро физикаси институтининг лаборатория мудири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Одилов** Тешабой — ботаника институтининг марказий гербарий раҳбари.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»**

**Муҳаммадхонова** Раъно — математика институтининг илмий котибаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»**

**Саидов** Эркин Абдулаҳадович — Ўзбекистон Фанлар академияси автобазасининг ҳайдовчиси

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Асқаров** Мирхожи Асқарович — химия ва физика полимерлари институтининг лаборатория мудири

**Ашрапов** Товфиқ Бўриевич — ядро физикаси институти ядро реакторининг бош муҳандиси

**Боқиев** Музаффар — Фанлар академияси сейсмология институтининг илмий ишлар бўйича директор муовини

**Зокиров** Пўлат Қодирович — ботаника боғининг директори

**Камолов** Собир — республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Қорақалпоғистон бўлимининг раиси

**Муниров** Қувомиддин — Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи

**Муҳаммадхонова** Холида Тўхтаевна — Фанлар академияси президиуми илмий кадрлар бошқармасининг бош мутахассиси

**Руми** Виктория — «Биолог» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий маслаҳатчиси

**Сутягин** Владимир Михайлович — Ўзбекистон Фанлар академияси Тошкент илмий тадқиқот ва лойиҳалаш бўлимининг директори, бош архитектори

**Убайдуллаев** Исматулло Ҳабибуллаевич — Кибернетика институтининг бош илмий ходими

**Ўринбоев** Асом — Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи

**Усмонхўжаев** Неъмат Маҳмудович — энергетика ва автоматика институтининг лаборатория мудири

**Ҳожиметов** Ғоибназар Ходиевич — механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтининг лаборатория мудири.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,

1993 йил 3 ноябрь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1993 йил 3 ноябрда Қ. А. Аҳмедов раислигида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси 497-Беруний шаҳар сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 1993 йил 31 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови натижаси тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг баёнини кўриб чиқиб ва «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги қонуннинг 21 ва 49-моддаларига мувофиқ мазкур округдан сайланган Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Беруний тумани касалхонаси жарроҳлик бўлими мудири, Беруний шаҳрида яшовчи Оразалиев Бозорбой Ҳайитбоевични рўйхатга олди.

## ЎЗБЕКЧА ШОВ-ШУВ

### ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ ПАРИЖДА

ПАРИЖ. 2 ноябрь. («Правда»нинг ўз мухбири). Ўзбекистон Президенти И. Каримов Францияга қилган расмий сафари пайтида республика Президенти Ф. Миттеран, бош вазир Э. Балладюр ва ҳукумат аъзолари билан жиддий музокаралар юритди.

Ўзбекистон Президенти 200 нафар саноатчилар, Франциядаги корхоналар ва банкларнинг раҳбарлари билан ҳам учрашди. У мулоқотда бўлганларни Ўзбекистон билан алоқани ривожлантиришга, республика иқтисодиётига сармоя сарфлашга даъват қилди. Шунда «Сосьете Женераль» банкининг вакили И. Каримовдан француз бизнесчиларига қандай кафолот бера олишингиз мумкин, деб сўраганда меҳмон кулиб қўйди ва кафолатни жомадонида олиб келганлигини айтди. Бу гапдан ҳамма кулиб юборди, лекин кейин маълум бўлишича Президент ҳазиллашмаган экан. У Парижга жуда қимматбаҳо юк — олтин қуймасини олиб келган, уни ўша заҳоти Елисей даласидаги «Креди коммерсиаль де Франс» банки ертўласига топширган экан. Франция билан ҳамкорликдаги лойиҳаларга берилган кафолат шунинг ўзи эди.

«Ўзбекча шов-шув» ҳаётда эҳтиёткор бўлган французларга жуда маъқул тушди. Президент Каримов уларни забт этди ва шу боисдан «Эльф — акитэн» концерни билан Ўзбекистонда нефть қазиш ва нефть конларини излаб топиш ҳақида, «Бюиг» фирмаси билан Хивада 275 миллион франк баҳодаги меҳмонхона қуриш лойиҳаси бўйича, Дасса фирмаси, бошқа Франция саноат бирлашмалари билан нафақат муваффақиятли ва балки жуда аниқ музокаралар юритди. Франция матбуотининг таъкидлашича, иқтисодиёти узоқ йиллар амалда бир хил соҳага ихтисослашган ва асосан пахта етиштиришга мўлжалланган Ўзбекистон эндиликда янги миллий саноат яратиш, шунингдек, атроф-муҳитни, биринчи навбатда қуриб бораётган Орол денгизини тубдан ўзгартириш вазифасини ўз олдига қўймоқда.

Шарҳловчиларнинг фикрига кўра, олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда саккизинчи ўринда турган Ўзбекистоннинг кенг миқёсдаги лойиҳалари ва бу мамлакат олтин қуймалари довруғи Французларни ҳамкорлик қилишга ундаяпти. Дарвоқе, матбуотнинг таъкидлашича, Каримов худди шу тарица АҚШ ва Швейцария банкларида умумий ҳажми 2,3 миллиард франк турадиган 3200 олтин қуймасини жойлаштириб, уларни ҳамкорлик қилишга жалб этган.

**Владимир БОЛЬШАКОВ,**
**(«Правда» газетасининг 3 ноябрь сонидан).**

**Маълумки, яқинда матбуотда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида истиқомат қилаётган Бобурийлар сулоласининг вакили, «Ҳиндистондаги мўғуллар оиласи» жамиятининг бош котиби жаноб Зиёвиддин Тусийнинг республикамиз Президентига мактуби ва Ислом Каримовнинг ўша мактубга жавоби эълон қилинган эди. Куни кеча шу жамият раисаси, сўнгги бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ иккинчи — Зафарнинг набираси бегим Соҳиба Лайло Уммахонидан юртбошимиз номига мактуб келди. Қуйида шу мактубни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Биз, темурийлар хонадонининг аъзолари, Сиз жаноби олийларининг ўғлим Зиёвиддин Тусийга йўллаган шахсий номангизни олиш бахтига мушарраф бўлдик. Сизнинг мактубингизда баён этилган самимий ва эзгу тилаклар Темурий ҳукмдорлар вориси бўлмиш фарзандимни бениҳоя масрур этди.

Мен кексайиб қолган бир аёлман, шу боис ҳам умримнинг ҳар бир кунини Худонинг улуғ неъмати деб биламан. Мен тақдирнинг кўп жабру жафоларини бошимдан ўтказдим. Шукр, ҳозир ҳузур-ҳаловатда умргузаронлик қилмоқдаман, аммо бизнинг Темурий сулоламиз беҳад қийинчиликларга дучор бўлди. Биз хиёнат, макр-ҳийла азобларини ҳам кўп тортдик, сабаби — насл-насабимизнинг ноёблигидадир. Фақат Темурийлар хонадонига хос бўлган сабот-матонатгина бизни ғурбат ва муҳтожлик чангалидан халос этди. Беҳисоб кулфат ва йўқотишларга қарамасдан биз асло таслим бўлмадик, қалбимиздаги некбин руҳ ҳеч қачон сўнгани йўқ. Шу кунларда ҳам тирикчилик ўтказиш учун жонимиз борича ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Аммо, ишончимиз комилки, Оллоҳ бизни ўз паноҳида сақлайди ва мадад беради.

Жаноби олийлари, мен сиз орқали Ўзбекистоннинг жами фарзандларига дуои салом йўллайман. Умид қиламанки, менинг бу сўзларим инсон зотини эъзозлагувчи барча кишиларга етиб боражак ва улар фақат Оллоҳнинг иродаси билангина сизнинг навқирон давлатингиз жаҳон ҳамжамияти даврасидан муносиб ўрин олганини англаб етадилар.

Азиз ўзбекистонлик биродарлар, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида юксак довонларни забт этишингиз учун сизлар ҳали олис ва машаққатли йўлни босиб ўтишингиз лозим. Фаровонликка элтувчи бу йўлингиз равон ва текис бўлиши учун ёш насллар тарбияси борасида кўп меҳнат қилишингиз даркор. Ўз ҳукуматингизга содиқ бўлинг, ҳамиша аҳил, баҳамжиҳат бўлинг — ана шундагина турмуш қийинчиликларини енгишга қодир бўласиз. Соҳиби карам Оллоҳ таолонинг марҳамати ила сизларнинг насабингиз жасур ва мард инсонлар зотига бориб туташади. Шуни ёдингизда тутингки, Оллоҳнинг илоҳий йўриқларига риоя этсангиз, у ҳамиша сизларга ёр бўлгай. Оллоҳ орангиздан муносиб бир кишини сайлаб олиб, уни сизларга раҳнамо айлаган ва сизларни ёруғ кунларга етказишни унга амр этган экан, барчангиз унинг доно ўгитларига амал қилишингиз лозим. Шундагина сизлар бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оласиз. Ўзларингизга етакчи этиб сайлаганингиз зот эса, билингки, халифадир. Шу боис ҳам бахтингизни бой берманг, ҳамфикр бўлиб, ҳамкор бўлиб, бирлашибгина давлатингиз олдида турган қийинчиликларни бартараф қилишингиз мумкин. Агар ақл-идрок сўзига қулоқ тутсангиз, сизларни гўзал истиқбол кутажаги муқаррардир.

Шу муносабат билан мен XIV асрда яшаб ўтган машҳур авлиё ва уламо шайх Валиуллоҳ Бухорий ўша пайтдаёқ бугун содир бўлаётган воқеаларни башорат қилиб кетганини эслайман. Унинг кароматлари форс тилида назмий йўсинда битилган «Маснавий» асарида баён этилган эди. Шуни қайд этишни истар эдимки, бу зот 600 йил муқаддам ниманики башорат қилган бўлса, аксарияти бугун рўёбга чиқиб турибди. Иншооллоҳ, қолганлари ҳам рўёб топгай!

Буюк бобокалоним Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйи юксак мақомда нишонланишига ишончим комил. Сиз жаноби олийларининг бу борада улкан саъй-ҳаракат кўрсатаётганингиз эса бизни чексиз қувонтирмоқда.

Оллоҳ таолодан сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаб қоламан. Ишончим комилки, яратган тангрининг ўзи сизнинг эзгу ишларингизга мададкор бўлгай.

**Бегим Соҳиба Лайло УММАХОНИ,**
**«Ҳиндистондаги мўғуллар оиласи» жамиятининг раисаси.**

Ҳайдаробод шаҳри,
Ҳиндистон Республикаси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

# ШАРТНОМА

**Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш истагидан келиб чиқиб, ўз муносабатларини ишонч асосида ва умуминсоний қадриятлар, озодлик, демократия ва адолат принципларига риоя қилиб қуришга қатъий ишониб,**

**давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуққа устиворликни бериб,**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига асосланиб, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки якунловчи акти ва янги Европа учун Париж хартияси юзасидан қабул қилган мажбуриятларни тасдиқлаб,**

**ўзбек-француз ҳамкорлигининг янада ривожланиши Европа ва Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини англаган ҳолда,**

**Европа иттифоқини тузиш истиқболини ҳамда унинг якдил ва тинч Европа қурилишида ҳиссасини инобатга олган ҳолда,**

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### 1-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўз муносабатларини бир-бирларини суверен ва тенг давлатлар сифатида кўриб, уларни дўстлик, ўзаро ишонч ва барча соҳаларда яқин ҳамкорлик руҳида қурадилар.

Иккала томон ушбу шартнома қоидаларини амалга ошириш учун зарур ҳолларда бошқа битимлар тузиш ҳақида келишдилар.

### 2-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси икки томонлама ҳамда кўп томонлама асосларда сиёсий ҳамкорликни амалга оширадилар.

Умуминсоний озодлик ва демократия қадриятларини тан олиб, асосий эркинликлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, хусусан, халқаро ваколатли ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Халқаро хавфсизликни ўрнатиш, низоларнинг олдини олиш, давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқ устиворлигини таъминлаш учун ҳаракат қиладилар.

### 3-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси икки томонлама муносабатлар бўйича фикрлар алмашиш учун, шунингдек, икки томонни қизиқтирувчи халқаро муаммолар, хусусан, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари юзасидан тегишли даражада мунтазам маслаҳатлар ўтказиб турадилар.

Томонлар бу масалаларда мумкин қадар ёндашишларини яқинлаштиришга ва агар лозим топсалар, биргаликда ёки мувофиқлаштирилган ҳаракат қиладилар.

Шу мақсадларда томонларнинг розилиги билан олий даражадаги учрашувлар ташкил қилинади. Ташқи ишлар вазирлари эса йилига камида бир мартадан учрашиб турадилар.

Иккала давлат Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ўртасидаги ишчи кенгашлар заруратга қараб ўтказилади.

Иккала давлатнинг ҳукумати вакиллари ўзаро қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилиш учун заруратга қараб учрашиб турадилар.

### 4-МОДДА

Агар томонлардан бирининг фикрига кўра, тинчликка таҳдид солувчи, тинчликни бузувчи ёки хавфсизликнинг олий манфаатларига хавф етказувчи ҳолатлар пайдо бўлса, бир томон бошқа томонга ушбу масала юзасидан улар ўртасида зудлик билан маслаҳатлар ўтказишни талаб қилиб мурожаат этиши мумкин. Томонлар ушбу вазиятни ечишга зарур воситаларни аниқлаш юзасидан умумий ёндашувларни ишлаб чиқувчи чоралар кўрадилар.

### 5-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси улар аъзо бўлган халқаро ташкилотлар доирасида, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, лозим топсалар, ўз ёндашувларини мувофиқлаштириб туриш ва шу ташкилотда белгиланган ҳаракатларни самарали амалга ошириш мақсадида маслаҳатлашиб турадилар.

### 6-МОДДА

Франция Республикаси Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришни рағбатлантириш мажбуриятини олади.

Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама тузилган битимлар доирасида олган мажбуриятлари Европа ҳамжамиятининг битимларини ва уларни амалга ошириш борасида қабул қилинган ҳужжатларини ҳурмат қилади.

### 7-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар барқарорликни, хавфсизлик ва Европа қитъасида ҳуқуқий . давлатни таъминлаш борасида ўз институтларини мустаҳкамлаш учун, хусусан, ҳуқуқий соҳада биргаликда ҳаракат қиладилар.

Улар, хусусан, низоларнинг олдини олишга ёрдамлашувчи муҳим принципларни амалга оширишни рағбатлантирадилар.

### 8-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси умумий хавфсизлик ва ягона ташқи сиёсатни амалга оширишни кўзда тутувчи, Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини берувчи ва қитъада ҳамда бутун дунёда барқарорлик ишига ҳисса қўшувчи Европа иттифоқи тузилишининг муҳимлигини таъкидлашади.

### 9-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси қуролсизланиш бўйича битимларнинг Европада ва бутун дунёда барқарорликни таъминлашда катта ҳиссасини таъкидлаб, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасида қуролсизланиш жараёнини, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва низоларнинг олдини олишни хавфсизлик бўйича анжуманлар доирасида қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар оммавий қирғин қуролларини тарқатишнинг олдини олиш юзасидан ўз чораларига алоҳида аҳамият бериб, шу мақсадларда халқаро инстанцияларда келишилган ҳолда йўл тутадилар.

### 10-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ҳарбий соҳада алоқаларни ривожлантирадилар ва чуқурлаштирадилар. Шу мақсадда томонлар мунтазам равишда ўз ҳарбий концепциялари бўйича фикр алмашиб турадилар.

Улар Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликлари, шунингдек иккала давлатнинг қуролли кучлари бош штаблари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантирадилар.

### 11-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси қишлоқ хўжалиги, энергетика, минерал ресурслар, саноат, транспорт ва телекоммуникация соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга биринчи даражада аҳамият берадилар.

### 12-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ижтимоий, иқтисодий соҳада кадрлар тайёрлашда ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Ҳар қайси томон ўз ҳудудида бошқа томоннинг корхонаси фаолиятининг шароитини яхшилаш учун, хусусан, тўғри сармоялар ва қўйилган маблағларни ҳимоялаш соҳасида ҳаракат қиладилар.

Томонлар иқтисодий ахборотни кенг алмашишни рағбатлантирадилар ва иккала давлатнинг ишбилармон кишилари ва фан вакиллари учун ушбу ахборотга йўл очилишини таъминлайдилар.

### 13-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтлар доирасида ўзаро манфаатларини ҳимоя қилган ва бошқа давлатлар билан келишилган ҳолда ҳамкорлик қиладилар.

### 14-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси икки давлат парламентлари ўртасида ҳамкорликка кенг йўл очиб берадилар.

Томонлар иккала давлатнинг шаҳарлар ва минтақалари ўртасидаги тўғри алоқаларни, хусусан, ушбу шартноманинг қоидаларига мувофиқ ҳолда шаҳарларнинг биродарлашувини ҳам рағбатлантирадилар.

Томонлар икки мамлакатнинг сиёсий, жамоат, касаба ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни осонлаштирадилар.

### 15-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси таълим, маданият, фан, техника ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар.

Маданий, илмий-техникавий ҳамкорликнинг принциплари томонлар ўртасидаги алоҳида битимда ифодаланади.

Томонлар иккала мамлакатда маданий муассасаларни тузишни рағбатлантирадилар.

Ҳар бир томон ўз халқларини бошқа томоннинг илмий-техникавий, маданий ютуқлари билан таништиришга ҳаракат қилади, шу мақсадларда, хусусан, бошқа томоннинг китоблари ва босма нашрларини тарқатишни осонлаштиради.

Томонлар барча қизиққан шахсларга бошқа томоннинг тил, маданият, адабиёт ва тарихини ўрганиш имкониятларини яратиб беришга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси халқлари ўртасида ўзаро тушунишни янада яхшилашни таъминлаш мақсадида томонлар оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Томонлар иккала мамлакат фуқаролари, хусусан, француз ва ўзбек ёшлари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантирадилар.

Улар шунингдек, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорликни рағбатлантирадилар.

Томонлар ҳамкорликнинг ҳамда маданият, фан ва техника соҳаларида ўзаро алмашишнинг йўналишларини белгилаган ва уларни рўёбга чиқаришнинг амалий тадбирларини ваколатли вакиллари иштирокида аниқлаган умумий лойиҳаларни мунтазам равишда ишлаб чиқишга киришадилар.

### 16-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси атроф муҳитни ҳимоялашнинг муҳимлигини англаган ҳолда, бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қиладилар ва Европа ҳамда халқаро миқёсда биргаликдаги ҳаракатларини ривожлантиришга интилиш мажбуриятини оладилар.

### 17-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси консуллик ишлари соҳасида ўз ҳамкорлигини бошлайдилар ва ривожлантирадилар. Томонлар ўз фуқароларининг икки давлат ўртасида бориш-келишларини яхшилаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берадилар.

### 18-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси иккала мамлакатнинг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралари ўртасидаги, хусусан, фуқаролик ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорликка кўмаклашадилар.

Томонлар, миллий ҳавфсизлик идоралари, хусусан, интерпол доирасида, уюшган жиноятчиликка, наркотикларни ғайриқонуний тарқатишга ва контрабандага, шунингдек санъат асарларини норасмий олиб ўтишга қарши курашда ҳамкорликни уюштирадилар. Улар халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида тегишли ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қиладилар.

### 19-МОДДА

Ушбу шартноманинг қоидалари томонларнинг учинчи мамлакатлар олдида олган мажбуриятларига дахл қилмайди ва уларга қарши қаратилмаган.

### 20-МОДДА

Ушбу шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари билан алмашган кундан 30 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Мазкур шартнома 10 йил муддатга тузилди ва кейинги ҳар беш йиллик муддатга автоматик равишда узаяди. Томонлардан ҳар бири ушбу шартномани истаган вақтда бошқа томонни дипломатик каналлар орқали ёзма тарзда хабардор қилиб, бекор қилиши мумкин.

Шартноманинг денонсация бўлиши ёзма хабарни олгандан сўнг 6 ой ўтгач кучга киради.

Париж шаҳрида, 1993 йил 27 октябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва француз тилларида тузилди, иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

**Ўзбекистон Республикаси номидан**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**
**Ташқи ишлар вазири**
**Саидмухтор САИДҚОСИМОВ.**

**Франция Республикаси номидан**
**Франция Республикаси Президенти**
**Франсуа МИТТЕРАН**
**Бош вазир**
**Э. БАЛЛАДЮР.**
**Ташқи ишлар вазири**
**Ален ЖЮППЕ.**

